




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 17 январь, № 11 (7241) Пайшанба



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «АНДИЖОН-ФАРМ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизда юқори технологияли фармацевтика корхоналарини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга инвестицияларни, энг аввало, Ҳиндистон Республикасидан тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, ички бозорни ўзимизда, шу жумладан, маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириб, шунингдек, Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурслар саноатидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва республикамиз аҳолиси даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлигининг Андижон вилояти Андижон туманида «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Андижон-фарм» ЭИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Куйидагилар «Андижон-фарм» ЭИЗнинг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: юқори қўшилган қийматли, шу жумладан, «in-bulk» шаклида фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш учун, энг аввало, Ҳиндистон Республикаси етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва илгор технологияларини жалб этиш; доривор ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш ва тайёр дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббий техникалар, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш; доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шартларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурслар саноатидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш; эркин иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналари ўртасида мустақам кооперация алоқаларини ўрнатиб ва саноат кооперациясини ривожлантириш орқали маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси ва материаллари негизда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш; «Андижон-фарм» ЭИЗ ҳудудида муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, унинг ҳудудида сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш; «Андижон-фарм» ЭИЗнинг соҳа кадрлари бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан, уларнинг «Андижон-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташни ташкил этиш орқали тайёрлашда қатнашиш.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЁҒ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА СОҲАНИ БОШҚАРИШДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ёғ-мой тармоғини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ассортиментларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳақиқий ҳолат шунини кўрсатадики, ёғ-мой тармоғини бошқаришнинг ягона тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш механизмнинг самарасизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги илгор технологияларни ўзлаштиришга, инвестицияларни жалб қилиш ва тармоқнинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хом ашё базасининг чегараланганлиги оқибатида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50 фоиздан ошмайди, бу давлат иш-тироқдаги ёғ-мой корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва рақобатбардорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини янада қисқартириш, республика ёғ-мой тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш учун шароит яратиш мақсадида:

1. Ёғ-мой саноати корхоналари, «Ўзпахтаёғ» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик); «Ўзпахтаёғ» АЖ негизда Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасини (кейинги ўринларда — «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси) ташкил этиш ҳамда унга «Ўзпахтаёғ» АЖга тегишли бўлган мол-мулк ва бошқа маблағларни, шунингдек, дебитор ва кредитор қарздорликларни ўтказиш, «Ўзпахтаёғ» АЖга тегишли хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги кўчмас мулк ва акциялар пакети (улуши) бундан мустасно;
2. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин: иқтиёрий равишда аъзо бўлган ёғ-мой саноати корхоналари ва ташкилотлари «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси аъзолари ҳисобланади; «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси ижро аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш унинг тасвирларининг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади; «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг тақдимномасига асосан унинг тасвирларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади; «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш унинг аъзоларининг бадаллари ва ажратмалари ҳамда қўнучиликда таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.
3. «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг асосий вазибалари этиб куйидагилар белгилансин: ёғ-мой хом ашёларини қайта ишлаш ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ягона комплекс сифатида ёғ-мой саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий бозор муносабатларини тармоққа кенг жорий қилиш; «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси аъзо ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таълим сифатини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сонли Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 мартдан бошлаб хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини назоратда тутишчи: а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган таълим олувчиларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, «Times Higher Education», «Academic Ranking of World Universities») рейтинглари олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган фуқароларнинг; тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларининг йўлланмалари асосида

(Давоми 2-бетда).

## ҲИНДИСТОН МАРВАРИДИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО ФОРУМИ

Эртага Ҳиндистоннинг Гужарат штатида «Жушқин Гужарат — 2019» IX халқаро саммити бошланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан музокаралар ўтказди. Шу ўринда мазкур форумнинг аҳамияти, унинг нима сабабдан Гужарат штатида ўтказилаётгани ҳақида сўз юритди.



Айни дамда Гужаратда халқаро саммитга тайёргарлик кизгин давом этмоқда. «Жушқин Гужарат» халқаро инвестиция саммити ўтказиш ташаббуси 2003 йилда ўша пайтда Гужарат асосий вазири лавозимда ишлаган ва Ҳиндистоннинг ҳозирги Бош вазири Нарендра Моди томонидан илгари сурилган. Бундан қўланган мақсад сармоялар жалб этишнинг барқарор суръатларини тиклаш бўлган.

Штатнинг маъмурий маркази Гандинагар шаҳрида ўтказиб келинган «Жушқин Гужарат» саммити энг йирик халқаро форумлардан бири саналади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ҳамда трансмиллий корпорациялар етакчилари, нуфузли таҳлилчилар, экспертлар қатнашади. Саммит давомида Ҳиндистон ҳамда бошқа мамлакатларнинг иқтисодий имкониятлари тақдим қилинади. Гужарат (Gujarat) — Ҳиндистон гарбида жойлашган. Аҳолиси 60 миллиондан зиёд бўлиб, штатлар орасида тўққизинчи ўринда туради. Ҳиндистоннинг марвариди, дея эътироф этилади. Бу штат атоқли давлат эробрлари Махатма Ганди ҳамда ҳозирги Бош вазири Нарендра Моди туғилган маскан сифатида ҳам машҳур. Ҳудудда 5 минг йил муқаддам цивилизация гуллаб-яшнаган. Шунинг учунми Гужаратда қадимий ибодатхоналар жуда кўп.

## Ҳамкорлик ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАКТАБЛАРДАН БИРИГА ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ НОМИ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда 2018/2019 ўқув йилида немис тили дарс сифатида ўқитиладиган мактаблар сони 54 тага (жами 1 677 мактаб), немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблар сони 9 тага етди.

Халқ таълим вазирлигининг маълум қилишларича, Германиянинг хориждаги мактаблари Марказий бошқармаси ва Гёте институти Тошкент филиали билан «Мактаблар: келажак ҳамкорлари» лойиҳаси доирасида кенг қўлмалли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили юртимиздаги немис тили ўқитувчилари учун турли семинар ва тренинглар ташкил этилмоқда, улар Германияда малака ошириш курслари ва семинарларда қатнашиб кайтайти. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-ихтисослаштирилган мактабга немис шоири Иоганн

Вольфганг Гёте номи берилиши бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Ушбу таълим масканида ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, компьютер хонаси, лингафон ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган аудиториялар, ўзбек ҳамда немис адабиёти, дарсликлари, мазбуот нашрлари билан бойитилган кутубхона ўғил-қизларнинг чет тилини ўрганишига кулай имконият яратмоқда.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## ШАРҚ ШЕЪРИЯТИ ОШУФТАСИ

Буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте Шарқ халқлари тиллари ва тарихи, адабиёти ҳақида диний-фалсафий қарашлари, удумлири ва урф-одатларига ёшлигидан қизиқиб, Шарқ шеърятини юксак қадрлаган ижодкор эди.

Унинг кўплаб асарлари қаторида Куръон ва ҳадислар тарихи, пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) тарихи ҳолига оид изланишлари ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг бу мавзуга эътиборини Шарқ ва Фарбни боғлаб турувчи адабий кўприк, дейиш мумкин. Ўзбек адабиётининг турли авлодига мансуб ижодкорлар Гёте асарларини ўзбек тилига ўғитиб, ундан адабий озуқа олганлар. Жумладан, танқиди шоир ва таржимон Садриддин Салим Бухорий Гётенинг «Фарбу Шарқ девони»ни аслидан ўзбекчага таржима қилиб, шу асар матни ва унга оид илмий тадқиқотларини китоб ҳолида ўқувчиларга тўхфа этган.

Беш хислатдан беш хислат жудо эрур, Беабаба наст тийнат ошно эрур. Ким такаббур, эсда тут, дуст бўлмамай, Ким ёвузир марди халис бўлмамай. Ким ҳасадгуй, ҳеч ҳаёси йўқ унинг, Ким фирибгар, эътиқоди йўқ унинг. Сен асар кетсанг буларни тарқ этиб, Уйлаким, билинг балолардан ўтиб.

«Фарбу Шарқ девониндан».

## Эътироф

Корея Республикаси адлия вазири:

## «Юртингиздаги янгиликларга ўз ҳиссамизни қўшишдан беҳад мамнунмиз»

Шу кунларда мамлакатимизда Корея Республикаси адлия вазири Пак Сан Ги бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ташриф давомида турли идора ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилмоқда.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида делегация аъзолари билан кенг мулоқотда кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди. Пак Сан Ги бу ҳақда куйидагиларни сўзлаб берди: — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Албатта, Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари юқори поғонага кўтарилиб бормоқда. Юртингиздаги янгиликларга ўз ҳиссамизни қўшишдан беҳад мамнунмиз. Бу — биз учун фахр. Ишончим комилки, таш-

Р. ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ОМБУДСМАНЛАР ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Олий Мажлис палаталари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан пойтахтимизда «Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик: Ўзбекистон ва Россия омбудсманлари ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова қатнашди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия омбудсманлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Рақамлар билан айтганда, Ўзбекистон ва Россия омбудсманлари иштирокида кўриб чиқилган мурожаатлар сони 2015 йилдаги нисбатан 2,5 марта кўпайди ва 2018 йил якунларига кўра, 38 тани ташкил этди. Тадбир иштирокчилари айнан ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга инновацион ёндашувлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди. Шунингдек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, Ўзбекистон ва Россия омбудсманлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари мутахассисларнинг диққат марказида бўлди. Давра суҳбати якунлари бўйича омбудсманлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Худди шундай битим




ЭЛЕКТРОТЕХНИКА Саноатида 22 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади



Сўнгги йилларда мамлакатимизда электр-маиший техникаларни ишлаб чиқариш ҳажми 30 баробар ошиб, экспорт ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

лика миқёсидаги жами сармояларнинг, бор-йўғи, 0,8 фоизи дегани, ҳолос. Ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотларининг ЯИМдаги улуши 717,9 миллион АҚШ долларини, яъни 1,5 фоизни ташкил қилади.



Мансур ХОШИМОВ, "Узелтехсанот" уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:

— Шу кунгача электротехника саноатида қатор муаммолар мавжуд эди. Масалан, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керак бўладиган асосий хом ашё материаллари импорт қилинарди ва бу логистика хизмати харажатлари қимматлиги учун товарлар таннарихи охиб кетишига сабаб бўларди.

Фаридун АБДУАЛИМОВ, "Polaris technologies" МЧЖ директори ўринбосари:

— Президент қарори асосида биз, ишлаб чиқарувчиларга импортдан олиб келинадиган хом ашё ва бўғловчи қисмлар учун тўланадиган қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида тўлаш имконияти берилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таълим мултимедиа маркази материаллари асосида Р. ОТАМУРОВОВ тайёрлади.

Қолаверса, "Узелтехсанот" уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга ишлаб чиқариш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлашга ҳамда қайта ишланган хом ашёни электротехника маҳсули ишлаб чиқаришга такроран жалб этишга рухсат берилди.

ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИГА ОИД ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг Ўзбекистонга таърифи (2017 йил 2 — 12 октябрь) яқунлари бўйича тавсияларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ўтган йилнинг май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарори билан Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан "Йул харитаси" тасдиқланган эди.

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ



"Халқ сўзи" ҳамда "Народное слово" газеталари таҳририяти томонидан Фаол тадбиркорлик, инновацион гойлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида иккига тизимли танлов эълон қилинган эди.

Парламент ҳаёти

Унинг ижроси қай даражада амалга оширилди? Қўзланган мақсад ва вазифаларга эришилдими? Халқаро ислом академиясида Дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан "Йул харитаси" ижросининг бориши юзасидан мониторинг ўтказувчи ишчи гуруҳи ҳамда қўли палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган йилгиликда ушбу саволлар ўртага ташланди.

Утган йили Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифалардан қайси қисми, муҳим ислохотлар амалга оширилди. Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашни унатиш имконияти, адолат мезонлари, қонуний устуворлиги аҳоли оғинида янгилик қарашларни шакллантирди.

Холмуродов. — Тарихий жараёнинг муҳим босқичига ўтмоқда. Бунда мафқуравий қўмакни ким беради, деган савол туғилгудек бўлса, биз газеталаримиз орқали, матбуот орқали ўз қизиқларимиз билан билан қўшилишимиз керак. Бу ўринда матбуот юксак аҳамият касб этади.

Чунинчи, Адлия вазирлиги маълумотига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун олиндирилган давлат божиининг миқдори 5 баравар қисқартрилган, диний ташкилотларнинг рўйхатга олуви органларга фақат бир йилда бир марта таъбир ҳисоботи бериши тартиби белгиланган. Бундан ташқари, рўйхатга олуви органининг диний ташкилотни тугатиш бўйича ваколати чиқариб ташланган. Янги таҳрирдан "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги диққатига!

«ОЛИМПИАДАЧИЛАР ФАБРИКАСИ»ГА АЙЛАНГАН ТАЪЛИМ ДАРГОҲИДА ШАРОИТЛАР Кўнгилдагидек эмас

Президентимиз сўнгги икки йил давомида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бир неча бор мулоқот қилди, илм-фанни ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ фармон ва қарорлар ҳаётга татбиқ этилди. Ҳар бир йўналиш бўйича академиклар мактабин яратилиш, илмий-тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни қўлайитириш, илмий изланишларни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Гап шундаки, шу пайтгача маъруз таълим даргоҳида таҳсил олган 90 дан зиёд нахирон авлод вакиллари Россия, АҚШ, Туркия, Қозғистон, Жанубий Корея, Сингапур, Италия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларусь, Словакия, Чехия сингапур кўлпал давлатларда ўтказилган 50 дан зиёд медаллар олган. Шундан 6 таси олтин, 12 таси кумуш ва 33 таси бронзадир. Ваҳоланки, бу қайли интеллектуал форумларда 47 йилдан бери иштирок этадиган давлатлар ичида ҳали битта ҳам медал олмаганлар бор.

Депутат фикри

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲУҚУҚИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Урбанизация — қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиши, шаҳар атрофи зоналарининг кенгайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга қўчирилиши ҳисобида юз берадиган жараён. Унга етарлича эътибор қаратилмаса, шаҳарлар аҳолисининг сони ва у ердаги мавжуд инфратузилма, уй-жой, иш ўринлари ўртасида катта тафовут пайдо бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги урчулларини чоғида қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар ва посёлкаларга айлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилишига қарамасдан, уй-жой сўбатига янгилик ёндашувларини жорий этиш зарурати пайдо бўлган. Юрдошларимиз, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг қўлай шартлар асосида уй-жой олиши учун қўриқларини моллаштириш тизимининг замонавий механизмларини жорий этиш, ҳар томонлама қўлай қўл қаватили уларни барпо қилишга ўтиш ҳамда коммунал-муҳандислик инфратузилмани ривожлантириш масалалари ўртага ташланган.

Маъруз ҳужжатда ер участкаларининг айланиши ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Чунинчи, 2019 йил 1 июндан бошлаб юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентларига уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино-ишоотлар, саноат инфратузилмаси объектилари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ худудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эса уларга яққа тартибда уй-жой қуриш ва тураржойга қўйиш қўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, қўриқчилигимизда жисмоний ва юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк ҳисобланган, уларнинг дахлсизлиги давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Фармонга асосан, эҳдиликда барча юридик ва жисмоник шахсларга ўзларига эгалланган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад, қўриқчиликнинг муҳим босқичига ўтмоқда.

Юқорида эътибор берган бўлсангиз, олинган медалларнинг асосий қисми, яъни 33 таси бронза, Тўғри, учинчи ўрин ҳам ёмон натижа эмас. Бироқ 3 та бронза бир дон олтиннинг ўрнини боса олмайдди. Хўш, нега олтин медалга кам?

Амалийётдан бир оз оқсаймиз. Ваҳоланки, халқаро ва жаҳон олимпиадаларида амалий машғулотлардан юқори балл олиш медаллар тақдирига катта таъсир ўтказадди. Буюк мутафаккир Конфуций ҳам беҳиз шундай демаган: "Ҳақиқий билгимга олиб боради: Фирқалаш йўли, бу — энг олижаноб йўл, тақдир қилиш йўли, бу — энг ёнги йўл ва таъриб йўли, бу — энг оғир йўлди". Бу борада ҳамини хитойлик ва Жанубий корейлик ўқувчилар кучли бўлиб келган. Ахир уларнинг лаборатория жиҳозлари, таъ-

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ортиққош ЭШОНҚУЛОВ, ТПТИ академиклиги директори, биология фанлари доктори, профессор.

БИЗ ва ЖАҲОН

ҲИНДИСТОН МАРВАРИДИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО ФОРУМИ



Мамлакат мустақиллик эришишидан олдин Гужарат Бомбей штатининг бир қисми эди. 1960 йил 1 май кунини кўриши буйича Бомбей иккита штатга ажратилади: гужарати тилида

сўзлашувчи аҳоли яшайдиган қисмида Гужарат (шимолда) ва маратх тилида гаплашадиган аҳоли истикомат қиладиган ҳудудда Махараштра (жанубда) штатлари пайдо бўлди. Аввалги Гужаратнинг маъмурий маркази Ахмадобод эди, 1970 йилда Гандинагарга кўчирилди. Ушбу асрнинг 60-йилларида штат 17 та округдан иборат бўлган. Сўнг қўшимча округлар ташкил этилди ва ҳозир штат 26 та округни қамраб олган. Уз алифбосига эга бўлмиш гужарати тилида 46 миллион киши гаплашади ва дунёда кенг тарқалган тиллар орасида 26-ўринда туради. Унинг адабиёти минг йиллик тарихга эга. Машҳур адиблар Ачарья Хемачандра, Нарсинх Мехта, Мирабай, Акхо, Премананд Бхатт, Панналал Пател, Ражендра Кешавлол Шоҳ каби ижодкорларнинг асарлари ҳамон севиб ўқилади. Гужарат Ҳиндистондаги пахта ва ерёнғоқ маҳсулотлари етиштирилган штат ҳамдир. Вирамгама, Нарбада ва Дхадра туманларидан Ҳиндистондаги энг аъло сифатли пахта навларини топиш мумкин. Шунингдек, гуруч, галла ва макжжурҳои ҳам етиштирилади. Штат умумий ҳудудининг ярми экин майдонларидан иборат. Бу штатда чорвачиликка ҳам катта эътибор қаратилади. Мазкур штатда 10 та аэропорт бўлиб, Сардар Валлабхай Пател номидаги халқаро аэропортдан ташқари уларнинг ҳаммаси маҳаллий йўналишларга хизмат кўрсатади. Мумбай-Дехли йўналишида жойлашган Вадодалра шаҳридаги темир йўл вокзали хизмат кўрсатиш даражаси буйича Ҳиндистонда тўртинчи ўринда туради.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ «Халқ сўзи» тейёрлади.

Ҳиндистон матбуоти:

«ЎЗБЕКИСТОН — САММИТНИНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИСИ»

Ҳиндистондаги нуфузли оммавий ахборот воситалари «Жўшқин Гужарат — 2019» IX халқаро инвестиция саммити ва унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратмоқда. Буни нашрларда кўплаб материаллар эълон қилинаётгани мисолда ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, ушбу мамлакатнинг йирик нашрларидан бири — «The Hindu» газетасида «Ўзбекистон Президенти «Жўшқин Гужарат» саммитининг бош меҳмони бўлади» сарлавҳали мақола эълон қилинди.



Унда айтилишича, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё Президентлари орасида биринчилардан бўлиб, нуфузли меҳмон сифатида иштирок этипти.

Газета Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Факултетида ва мутор элчиси Фарход Арзиевнинг таъбири буйича интeрвюси ҳам келтиради.

«Президентимиз «Жўшқин Гужарат» саммитига ҳукумат даражасидаги ва катта бизнес делегация билан ташриф буюряпти», дейди элчи Ф. Арзиев.

Ўзбекистоннинг юқори даражадаги делегацияси таркибига Инвестициялар буйича давлат кўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, 60 дан ортиқ бизнес тўғрисидаги, йирик миллий ва хусусий компаниялар раҳбарлари ҳам кирган.

Элчининг сўзларига кўра, бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўнги тўрт ой ичида Ҳиндистонга амалга ошираётган иккинчи ташрифи. 2018 йил октябрь ойидаги давлат ташрифи икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Айни пайтда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кенгаймоқда.

«Иқтисодий соҳани либераллаштириш, изчил сиёсий ислохотлар ва тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилиш Ўзбекистонни бизнес ва инвестициялар учун жозибадор мамлакатга айлантирмоқда», дейди элчи. Ҳинд компаниялари Ўзбекистоннинг

фармацевтика, тўқимачилик, таълим, ахборот технологиялари ва туризм каби соҳаларда инвестиция имкониятларини юқори баҳолайди.

«Гужарат — фармацевтика саноати маркази ҳисобланиб, бу ерда етакчи компаниялар фаолият юритади, — деди штатнинг бош котиби Ж. Н. Сингх. — Ўзбекистондаги янгиликлари компанияларимизга ўз

фаолият қамровини кенгайтиришга имкон берапти. Фармацевтика соҳасига инвестицияларни жалб этиш мақсадида Андижон вилоятида эркин фармацевтика зонаси ташкил қилинмоқда. Натихда Гужарат ва Андижон ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланайтир».

Яна бир йирик иқтисодий нашр — «The Economic Times» газетаси «Ҳиндистон Бош вазири Гужарат саммитида Ўзбекистон Президенти кутмоқда» сарлавҳали мақола чоп этди.



Унинг муаллифи Дипанжан Рой Чаудхурининг таъкидлашича, фармацевтика тармоғига инвестицияларни жалб қилиш учун Андижон вилоятида «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилмоқда. Бу айни пайтда Гужарат компаниялари учун фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда бизнесни ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очди.

Гужаратдаги кўрғазмада Ўзбекистон павильони кенг қўлама ва ранг-баранглик касб этади. Чўнончи, автомобил-созлик, металлургия, фармацевтика, қурилиш, IT, банк, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, туризм, таълим ва бошқа соҳалар намоиши иштирокида катта қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз.

Анвар МИРЗАЕВ «Халқ сўзи» тейёрлади.

ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

«Жўшқин Гужарат — 2019» IX халқаро саммитида Ўзбекистон катта делегация билан иштирок этипти. Шунингдек, форумда Канада, Франция, Япония, Чехия, Корея Республикаси, Норвегия, БАА, Дания, Марокаш, Польша, ЖАР, Таиланд, Нидерландия каби мамлакатлар вакиллари ҳам қатнашади.

Ўтган 16 йил ичида саммит минтақавий инвестиция ярмаркасида глобал иқтисодий-иқтисодий ривожланиш дастурлари буйича ижодий фикрлар излаш, билим алмашиш ва самарали шериклик муносабатларини йўлга қўйиш буйича нобъ платформага айланди. Гужарат Ҳиндистондаги иқтисодий жиҳатдан илғор штатлардан биридир. У саноат ишлаб чиқариш буйича энг юқори ўсиш суръатига эга. Бу кўрсаткич охириги беш йилда 10,4 фоизни ташкил этгани ҳам фикримизга бир мисолдир. Штатнинг Ҳиндистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 16 фоизга тенг. Бу Гужарат маъмурияти томонидан инвестиция сиёсати баҳамжиҳат олиб борилаётгани ва соҳа самарали қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир. Зеро, шу орқали ҳар томонлама ва барқарор тараққиётга эришиш мақсад қилинган.

Иновацияга қаратилган янги Ҳиндистонни шакллантириш даврида Гужарат иқтисодий ривожланиш ҳамда миллий қурилишнинг олдинги сафларида бўлиб келаётганига эса мезбон давлат

■ Гужарат саноат ишлаб чиқариш буйича энг юқори ўсиш суръатига эга. ■ Бу кўрсаткич охириги беш йилда 10,4 фоизни ташкил этди.

■ Штатнинг Ҳиндистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 16 фоизга тенг.

«Жўшқин Гужарат — 2019» саммити дастуридан:

- икки ва кўп томонлама учрашувлар; — ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли мавзулари буйича сессиялар; — илм-фан, технологиялар, техника ва математика тараққиётининг долзарб жиҳатларига бағишланган семинарлар ўрин олган.

- Кўрғазма майдони 200 минг метр квадратга тенг; ● 20 дан ортиқ йўналишлардаги павильонлар ва стендлар мавжуд.

ларидан асло қолишмайди. Ҳиндистондаги мазкур муҳим халқаро анжуманда бутун жаҳондан қатор давлат ва ҳукуматлар бошлиқлари, вазирлар, йирик корпорациялар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, юқори мартабали сиёсатчилар, илмий мартабали килари қатнашади. Уларнинг барчаси ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ушбу эгу илға хисса қўшишга тейёрдир.

«Жўшқин Гужарат — 2019» саммити дастури мазмунан бой бўлиб, ўз ичига икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли мавзулари буйича муҳокима сессияларини қамраб олган. Масалан, иштирокчиларда илм-фан, технологиялар, техника ва математика тараққиётининг долзарб

Иновация ЭНЕРГИЯ САРФИНИ МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН КЎРСАТАДИ

Қоровулбозор туманида мавжуд 81 трансформаторга маълумот олувчи баланс ҳисоблагичлар ва бошқа қурилмалар ўрнатилди.

Истеъмолчилар 4 200 га яқин замонавий ҳисоблагичлар билан таъминланди. Шундай қилиб, электр энергияси истеъмолини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

— Энди электр энергияси учун тўловни уйдан чиқмай амалга оширамыз, — дейди истеъмолчи Мардон Олтиев.

Энергия сарфи ҳақидаги зарур маълумотларни мобиль телефонларимиз орқали олиб турибмиз.

Жорий йилда Бухоро вилоятидаги 177 мингта истеъмолчи манзилига замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиш кўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташаббус КЎЧМА КУТУБХОНА

«Ўзавоттранс» агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси томонидан кўчма кутубхона ташкил этилди.

— 2 000 та адабиётни ўзидан жамлаган зиё масканимиздан фойдаланиш бепул, — дейди бошқарма раҳбари Ўткирбек Машрапов. — Бугунги кунда ақсарият адабиётлар электрон шаклда эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Wi-Fi интернет тизимидан фойдаланиш имконияти яратилди. Ҳоҳлаган китобдан нусха кўчириш учун компьютер жамланмаси бор. Яна бир жиҳати, бу ерда хизмат

кўрсатувчи ходимнинг ўзи йўқ. Фойдаланувчиларнинг мустақил хатти-харакатлари видеокамера назорати остида бўлади.

Эндиликда йўналиш тақиси автоматшоналарига чиққан ҳар бир йўловчи манзилга етиб борунига қадар ўқиб кетиши учун китоблар тавсия этилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН!

Мустақил консалтинг компанияларини танловда қатнашиш учун таклиф қилиш тўғрисида

«Ўзмелиомашилизинг» давлат унитар корхонаси мелиорация техникаси ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва механизация воситаларини сотиб олишда (кейинчалик лизингга бериш мақсадида) тендер савдолари ўтказилишини ташкиллаштирувчи консалтинг компанияларини танлаш буйича танлов эълон қилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ — 3405-сонли қарорига асосан).

Буюртмалар 2019 йил 15 февраль кунини соат 16.00 га қадар куйидаги манзилда қабул қилинади: 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Маълумот учун телефонлар: 71-239-46-24, 71-239-46-25, 71-239-46-31. (соат 9.00 дан 16.00 га қадар) шанба ва яшанбадан ташқари). Электрон манзил: info@uzmmi.uz


Белгиланган муддатдан кеч такдим этилган буюртмалар қабул қилинмайди.

Аниқлик киритамиз: газетамизнинг 16 январь, 10 (7240)-соли, 6-саҳифаси, унинг устунидagi «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот директори»нинг матни «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори» деб ўқилсин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади. «TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисига ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71.

www.motoblok.uz

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги А. П. Хлебущкина номидаги 22-сонли Мехрибонлик уйи жамоаси Мехрибонлик уйи тарбиячиси Лев Альбертович АСРИЯНШНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ПРОФНАСТИЛ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни такдим этади: гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ гофраси баланглиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57. Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган. ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ • 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 70 000 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м. ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ • RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м. • RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м. Маҳсулотлар сертификатланган. Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилар палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўроқ бичими А—2. Баҳоуси келишилган нархда.

Тажрибавитта келган кўлаблар таъдир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обуванни расмийлаштириш ташкилот жавобдор. Газета таҳририят компьютер марказида тервалда ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланайди. Газетанинг нозифиқа жиҳатдан сифатида чоп этилишига «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босма ҳолда телефон: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Миябутоқчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Қаримов. Мусаҳҳих — С. Исломов. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босма ҳоноси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.20 2 3 4 5 6